



FEATURES OF THE EMERGENCE OF THE RIGHTS OF PERSONS WITH DISABILITIES IN ANCIENT TIMES

Shukhrat Shabanovich Khikmatov

*Independent researcher of the Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: persons with disabilities, historical analysis, ancient period, Middle Ages, legal status, cultural and religious factors, social integration.

Received: 02.09.25

Accepted: 03.09.25

Published: 04.09.25

Abstract: This article analyzes the formation of the rights of persons with disabilities and attitudes toward them from ancient times to the Middle Ages, focusing on their historical, cultural, and religious foundations. Using examples from Mesopotamia, Egypt, Greece, Rome, China, as well as the Islamic and Christian worlds, the study examines socio-political and legal approaches to people with disabilities. The author compares similarities and differences in perceptions of disability across various societies, highlighting the complex interplay between religious beliefs, cultural values, and economic factors. Special attention is given to how historical experiences influenced the subsequent development of disability rights.

ҚАДИМГИ ДАВРДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Шухрат Шабанович Ҳикматов

Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ногиронлиги бўлган шахслар, тарихий таҳлил, қадимги давр, ўрта асрлар, ҳуқуқий мақом, маданий ва диний омиллар, ижтимоий интеграция.

Аннотация: Ушбу мақола қадимги даврлардан ўрта асрларгача бўлган даврда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг шаклланиши ва уларга бўлган муносабатнинг тарихий, маданий ҳамда диний асосларини таҳлил қилади. Тадқиқотда Месопотамия, Миср,

Юнонистон, Рим, Хитой, шунингдек, Ислон ва Христиан дунёси мисолида ногиронларга нисбатан мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ёндашувлар ўрганилган. Муаллиф қадимги ва ўрта аср жамиятларида ногиронларга нисбатан қарашларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини солиштириб, диний эътиқодлар, маданий қадриятлар ва иқтисодий омилларнинг мураккаб ўзаро таъсирини ёритади. Мақолада тарихий тажрибалар ногиронлар ҳуқуқларининг кейинги ривожланишига қандай таъсир қилгани ҳам таҳлил қилинган.

ОСОБЕННОСТИ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПРАВ ЛИЦ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ В ДРЕВНИЙ ПЕРИОД

Шухрат Шабанович Хикматов

Самостоятельный соискатель

Правоохранительной академии Республика Узбекистан

Тошкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: лица с инвалидностью, исторический анализ, древний период, Средневековье, правовой статус, культурные и религиозные факторы, социальная интеграция.

Аннотация: Статья посвящена анализу формирования прав лиц с инвалидностью и отношения к ним в период от древних времён до Средневековья. Рассматриваются исторические, культурные и религиозные основы данного процесса. На примере Месопотамии, Египта, Греции, Рима, Китая, а также исламского и христианского миров исследуются социально-политические и правовые подходы к людям с инвалидностью. Автор сопоставляет сходства и различия восприятия инвалидности в различных обществах, раскрывая сложное взаимодействие религиозных убеждений, культурных ценностей и экономических факторов. Особое внимание уделено влиянию исторического опыта на дальнейшее развитие прав инвалидов.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш жараёнида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу тоифага мансуб шахслар ҳуқуқларининг эволюцияси жамият маданий, диний ва иқтисодий муносабатларининг турли даврларида турлича кўриниш олган. Қадимги даврлардан бошлаб ўрта асрларгача

бўлган узок тарихий йўлда ногиронликка муносабат кўп ҳолларда умумий хавфсизлик, диний эътиқодлар ёки иқтисодий манфаатлар билан белгиланган. Месопотамия, Қадимги Миср, Юнонистон, Рим, Хитой ҳамда Ислом ва Христиан дунёсидаги тажрибалар ногиронликка нисбатан қарашлар ва ҳуқуқий ёндашувларнинг ўзига хос жиҳатларини намоён этади. Ушбу тадқиқотда қадимги давр ва ўрта асрларда ногиронлар ҳуқуқларининг пайдо бўлиши, уларнинг жамиятдаги маъқеи ва ижтимоий интеграция жараёнлари таҳлил қилиниб, тарихий тажрибаларнинг замонавий ҳуқуқий тизимларга таъсири ёритилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш қадимги даврлардан бошлаб инсон ҳуқуқлари эволюциясининг тарихий таҳлиliga асосланади, чунки бу соҳадаги илк қадамлар маданий ва диний анъаналар билан шаклланган бўлиб, замонавий ҳуқуқий нормалардан тубдан фарқ қилган. Масалан, Месопотамияда милoddан аввалги 1754 йилга оид Хаммурапи кодексида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига алоҳида эътибор берилмаган бўлса-да, хавфсизлик ва жавобгарликни таъминловчи нормалар, жумладан, уй қулаганда бинокорга нисбатан қўлланиладиган жазо қаби қоидалар билвосита уларнинг манфаатларини ҳимоя қилган [1]. Бизнинг назаримизда, бундай нормалар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга интеграциясини қўллаб-қувватлаган, аммо уларнинг мустақил ҳуқуқий мақомига эътибор берилмагани замонавий ҳуқуқий тизимлар нуқтаи назаридан муаммо сифатида баҳоланади. В.Н.Мяенякиннинг тадқиқотларида қадимги давлатлардаги умумий хавфсизлик нормалари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини билвосита қўллаб-қувватлагани таъкидланади [2], бироқ биз бу фикрга қисман қўшилмаймиз, чунки бундай нормалар жамиятнинг умумий манфаатларига хизмат қилган, лекин ногиронлиги бўлган шахсларнинг алоҳида эҳтиёжларини тўлиқ инобатга олмаган.

Қадимги даврлардан бошлаб ХХI асрдаги глобал ташаббусларигача бўлган узок тарихий жараёнда ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим, меҳнат бозори, ижтимоий муҳофаза ва умуман жамиятдаги иштирокини яхшилаш бўйича муҳим қадамлар қўйилган.

Хусусан, Қадимги давр ва Ўрта асрларда ногиронликка муносабат жамиятларнинг маданий, диний ва ижтимоий тузилишига боғлиқ равишда кенг миқёсда ўзгариб турган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар, хусусан, ногиронлиги бўлган инсонларнинг ижтимоий муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг илк кўриниши буюк Шарқ мутафаккирларини асарларида келтириб ўтилган. Хусусан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам ногиронлик масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган. «Авесто»да ногиронликни даволашдан кўра, унинг олдини олишга алоҳида аҳамият берилган [3].

Масалан, қадимги Мисрда ногиронлиги бўлган шахслик баъзан муқаддас деб қаралган, чунки улар илоҳий кучлар билан боғлиқ, деб ҳисобланган. Археологик топилмалар ва матнларга кўра, Мисрда ногиронлиги бўлган шахслар баъзи ҳолларда муайян ибодатхоналарда хизмат қилишга жалб қилинган. Бироқ, Қадимги Юнонистонда вазият бошқача бўлиб, ногиронлиги бўлган болалар кўпинча жамиятдан четлатилган. Афлотун ва Арасту асарларида ногиронлик жамият учун "фойдасизлик" сифатида талқин қилинган, бу эса уларнинг ижтимоий яққалланишига олиб келган [4]. Бизнинг назаримизда, бу қарашлар қадимги юнон жамиятининг эстетик ва функционал ғояларига асосланган бўлиб, улар ногиронлиги бўлган шахсликни фақат жисмоний нуқсон сифатида кўришга ундаган. Аммо бу ёндашувга қўшилмаймиз, чунки у ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ва маданий ҳисса қўшиш имкониятларини инкор этади.

«Муаллимий соний» номлари билан машҳур бўлган буюк аждодимиз Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил одамлар шахри» асарида ногиронлиги бўлган болаларнинг ижтимоий-моддий таъминоти давлат томонидан таъминланиши кераклигини уқтирган. Ушбу асарда келтирилишича, «Фозил шаҳарда камбағаллар бўлмайди, аммо ногиронлиги бўлган ва бемор инсонлар бўлиши мумкин. Уларни таъминлаш учун маблағ давлат хазинасидан ажратилиши керак. Имкон доирасида уларни фойдали ишга жалб этиш лозим» [5].

Қадимги Римда ногиронлиги бўлган шахсга муносабат бироз мураккаброқ бўлган. Рим қонунларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида аниқ нормалар бўлмаса-да, улар кўпинча оилавий масъулият доирасида қаралган. Тит Ливийнинг асарларида ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан раҳм-шафқат кўрсатилиши мумкинлиги тўғрисида далиллар мавжуд, лекин уларнинг жамиятдаги мавқеи пастлигича қолганлигини кузатиш мумкин [6]. Римда ногиронлик баъзан илоҳий жазо сифатида талқин қилинган, бу эса салбий қарашлар шаклланишига сабаб бўлган. Марта Расселнинг таъкидлашича, қадимги жамиятларда ногиронликка муносабат кўпинча уларнинг иқтисодий фойдасизлигига асосланган бўлиб, бу уларнинг жамиятдан четланишига олиб келган [7]. Биз бу қарашга қўшилмаймиз, чунки иқтисодий омил муҳим бўлса-да, диний ва маданий эътиқодлар ҳам катта роль ўйнаган. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, қадимги жамиятлардаги бу муносабатларни фақат иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилиш тўлиқ манзарани кўрсатмайди, чунки маданий ва диний омиллар кўпинча устувор бўлган. Масалан, Юнонистонда ногиронлиги бўлган болаларни ташлаб кетиш одатий ҳол бўлиб, улар жамият учун юк деб ҳисобланган [8]. Спартада ногиронлиги бўлган болалар Тайгетус тоғида ўлимга маҳкум этилган [9]. Римда эса ногиронлиги бўлган болалар Тибр

дарёсига ташланган ёки тиланчилик учун эксплуатация қилинган [10]. Бу амалиётлар ногиронликни илоҳий ғазаб ёки нуқсон сифатида қабул қилишни акс эттирарди.

Дарҳақиқат, қадимги даврларда ногиронликка муносабат маданий хусусиятларга қараб тубдан фарқ қилган, масалан, Спартада ногиронларнинг яшаш имконияти чекланган бўлса, Афинада уларга жамият ҳаётида муайян иштирок ҳуқуқлари берилган. Римда ногиронлар учун қонунан васийлик ва давлат томонидан, айниқса, уруш қатнашчиларига ёрдам кўрсатиш каби ҳимоя чоралари мавжуд бўлган, Хитойда эса, гарчи махсус қонунлар мавжуд бўлмаса-да, Конфуций қадриятлари асосида уларга муайян эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилган. Бизнинг фикримизча, бу тарихий тажрибалар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини расмий тан олиш йўлидаги илк босқичлар сифатида баҳоланиши мумкин, аммо уларнинг тўлиқ ижтимоий интеграцияси учун замонавий ҳуқуқий механизмлар тақозо этилган.

Ўрта асрларда ногиронликка муносабат диний эътиқодларнинг таъсири остида янада мураккаблашди. Христиан жамиятларида ногиронлик кўпинча гуноҳ ёки илоҳий жазо сифатида қаралган бўлса-да, лекин хайр-эҳсон ва раҳм-шафқат ғоялари уларга ёрдам беришни талаб қилган. Масалан, Европада ногиронлиги бўлган шахслар баъзан черковларда қабул қилинган ва уларга ғамхўрлик қилинган [11]. Ислом жамиятида эса закот ва садақа каби тушунчалар ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилган, бу эса уларнинг жамиятдаги мавқеини бироз яхшилаган [12].

Соҳибқирон Амир Темур давлатида ҳам ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари ҳақида алоҳида амру фармонлари мавжуд бўлган. Жумладан, «Амр этдимки, фақиру miskinларга, бирор бир касб қилишга ожиз бўлган жисмоний нуқсони борларга, шол ва кўрлар (кўзи ожизлар ва ногиронлиги бор инсонлар) нафақа белгилансин» [13], деб қайд этилган.

Ўрта асрларда ногиронлик баъзи ҳолларда муқаддаслик белгиси сифатида ҳам талқин қилинган. Масалан, христиан агиографиясида ногиронлиги бўлган шахсларнинг "муқаддас азоб чекиши" тўғрисидаги ҳикоялар кўп учрайди [14]. Бу қараш, бизнинг фикримизча, ногиронлиги бўлган шахсларни жамиятда муайян мавқега эга қилишга хизмат қилган, лекин уларнинг ҳақиқий ижтимоий интеграциясига тўсқинлик қилган. Бунга қарши, Ислом жамиятларида ногиронликка муносабат бироз прагматик бўлган, чунки жамоатнинг масъулияти уларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Муҳаммад Галийнинг таъкидлашича, Исломда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ижтимоий адолат ғоялари муҳим роль ўйнаган, лекин бу ёндашув ҳам уларнинг мустақиллигига эмас, балки уларга хайрия асосида ёрдам беришга қаратилган [15]. Биз бу фаразга қисман қўшилмаймиз, чунки хайрия асосидаги ёрдам кўпинча ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий мавқеини

пасайтирган ва уларни фаол иштирокчи сифатида эмас, балки ёрдамга муҳтож тоифа сифатида кўришга олиб келган.

Қадимги давр ва Ўрта асрлардаги қарашларни таҳлил қилишда муҳим муаммо шундаки, ногиронликка муносабат кўпинча жамиятнинг иқтисодий ва маданий имкониятлари билан чекланган. Ленард Дэвиснинг таъкидлашича, ногиронлик тушунчаси ўрта асрларда замонавий маънода шаклланмаган, балки у диний ва маданий контекстлар билан мустаҳкамланган [16]. Биз бу қарашга тўлиқ қўшилаемиз, чунки ушбу даврда ногиронликка муносабатда стандартлашган ёндашув мавжуд эмас эди, бу эса уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тўсқинлик қилди. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, қадимги ва ўрта асрлардаги муносабатларни фақат диний ёки маданий призма орқали таҳлил қилиш етарли эмас, чунки ижтимоий-иқтисодий омиллар, масалан, меҳнат бозори ва оилавий тузилмалар, уларнинг мавқеини белгилашда муҳим роль ўйнаган.

Шу тариқа, қадимги ва ўрта асрларда ногиронликка муносабат диний, маданий ва ижтимоий омилларнинг мураккаб ўзаро таъсири асосида шаклланган. Бу даврларда ногиронларнинг жамиятдаги мавқеи кўпинча уларнинг иқтисодий фойдасизлиги ёки диний талқинлар билан белгиланган, бу эса уларнинг тўлиқ ижтимоий интеграциясига тўсқинлик қилган. Бизнинг фикримизча, ушбу тарихий контекстни чуқур таҳлил қилиш ногиронлар ҳуқуқларининг кейинги ривожланишини тушуниш учун муҳимдир, чунки у жамиятнинг ушбу тоифага муносабатининг илк шаклланиш жараёнини очиб беради. Шу билан бирга, биз қадимги ва ўрта асрлардаги қарашларни фақат салбий нуқтаи назардан кўришга қаршимиз, чунки баъзи жамиятларда ногиронларга нисбатан ижобий муносабатлар ҳам мавжуд бўлган, бу уларнинг кейинги ҳуқуқий ва ижтимоий ислохотларга асосдир.

Хуллас, Қадимги давр ва ўрта асрларда ногиронликка бўлган муносабат маданий, диний ва ижтимоий омилларнинг мураккаб ўзаро таъсирида шаклланган. Айрим жамиятларда ногиронларга нисбатан ижобий ёрдам ва ҳимоя чоралари кўрилган бўлса, бошқаларида уларнинг жамиятдан четлатилиши кузатилган. Диний эътиқодлар, маданий қадриятлар ва иқтисодий шароитлар ногиронлар ҳуқуқларининг ривожланиш йўналишини белгилаб берган. Тарихий тажрибалар шуни кўрсатадики, ногиронлар ҳуқуқларини расмий эътироф этиш ва уларнинг тўлиқ ижтимоий интеграциясини таъминлаш замонавий ҳуқуқий тизимлар учун асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боис, ўтмишдаги ижобий ва салбий тажрибаларни чуқур ўрганиш келгусида инклюзив ва адолатли жамият барпо этишда муҳим назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мингбоева С.И. Имплементация международных стандартов по правам людей с ограниченными возможностями в национальное законодательство. – Ташкент: ТГЮУ, 2024. – С.13 (59).
2. Мьяенянкин В.Н. Международный договор в правовой системе Российской Федерации: действительный и действующий // Право и политика. 2020. - №10: - С. 60-73.
3. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам тарж.– Тошкент: «Шарқ», 2001. –Б.152.
4. Kiefer, Thomas Joseph. “Reason and Normative Embodiment in Plato’s Republic: On the Philosophical Creation of Disability.” Fordham Univerity, 34(1), 2014.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: «Халқ мероси»,1993.– Б.159.
6. Livius T. The history of Rome. 1896.
7. Russell M. Beyond ramps: Disability at the end of the social contract: A warning from an uppty crip. Common Courage Press; 1998.
8. Garland-Thomson R. Integrating disability, transforming feminist theory. InFeminist theory reader 2020 Sep 16 (pp. 181-191).
9. Meeusen M. Plutarch’s ‘philosophy’ of disability: human after all. InDisability in antiquity 2016 Oct 4 (pp. 213-226).
10. Звоненко А.Б. 2021. Эволюция отношения общества и государства к людям с инвалидностью и ограниченными возможностями здоровья в Европе. Непрерывное образование, p.65.
11. Metzler I. Disability in medieval Europe: Thinking about physical impairment in the high middle ages, c. 1100–c. 1400; 2006 Jun 7.
12. Ghaly, M.M., 2009. Physiognomy: a Forgotten Chapter of Disability in Islam: The Discussions of Muslim Jurists. Bibliotheca orientalis, 66(3), pp.162-198.
13. |Амир Темур. Темур тузуклари. –Тошкент: «Илм-зиё-заковат» 2020. –Б.67.
14. Skoda H. Representations of Disability in the Thirteenth-Century Miracles de SaintLouis. InDisability in the Middle Ages 2016 May 23 (pp. 53-66).
- 16 Houssaini, F.S. and Acharki, M., 2008. L’islam et les personnes en situation de handicap. Journal de Réadaptation Médicale: Pratique et Formation en Médecine Physique et de Réadaptation, 28(4), pp.148-152.
17. Davis, L.J., 1995. Enforcing normalcy: Disability, deafness, and the body. Verso.